



ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Таджиев Азамат Алибаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
“Тергов фаолияти” кафедраси катта ўқитувчиси

Қодиров Хакимжон Хайрулло ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-босқич курсанти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.12152581>

Аннотация: Жиноятларнинг аксар қисми ахборот технологиялари орқали содир этилаётганлиги ва ушбу соҳадаги жиноятларни фош этиш, айбдорларни аниқлаш ва тергов қилишда ҳамда дастлабки тергов жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича бир қанча муаммо ва камчиликлар ҳалқилиш учун ўрганилган масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: ушлаш туриш, ушлаб бериш, экстрадиция, жиноят иши, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев такидлагандек, халқимиз дунёқарашида инновация мухитини яратиш энг мухим вазифамиздир. Инновация бўлмас экан, ҳеч бир соҳада рақобат, ривожланиш бўлмайди.

Бу соҳадаги ўзгаришларни халқимизга кенг тарғиб қилмасак, одамларда кўникма пайдо қилмасак, бугунги давр шиддати, фан-техниканинг мислсиз ютуқлари билан ҳамқадам бўлолмаймиз. Зеро, ҳозирги даврда замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологияларидан судга қадар иш юритиш босқичида кенг фойдаланилади.

Тергов ва процессуал ҳаракат ларини амалга оширишда ва бу ҳаракат ларни қайдэтишда замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологияларидан фойдаланилади. Чунки, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда тергов ва процессуал ҳаракат ларни қайд этиш ва расмийлаштиришда ахборот технологиялар ва ахборот технологиялари ёрдамидан самарали фойдаланилаётганини ҳам кўришимиз мумкин.



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

Ишни судга қадар юритиш босқичида ахборот технологияларидан фойдаланиш жараёни икки босқичга болинади. Ахборот технологияларидан фойдаланиш терговга қадар текширув жараёнида ва дастлабки тергов жараёнида ҳам жиноятни фош этиш жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, далилларни топиш, олиш, қайд этишда фойдаланилади. Судга қадар иш юритиш босқичида тезкор-қидирув, тергов ҳаракат ларни амалга ошириш жараёнида иш ҳолатларини аниқлаштириш, иш бўйича тўпланган далилларни текшириш мақсадида махсус текшириш ва тадқиқотларни амалга оширилади.

Шунингдек, жиноят ишини исботлашда техник ва электрон воситалар ва ахборот технологиялари орқали олинган ахборотнинг мақомини баҳолаш, тадқиқотнинг методологик асослари норматив-манتيқий усул, тизим, синтез, таҳлил қилиш, чэклаш, индукция ва тадқиқот ишларининг бошқа шу каби усулларини ўз ичига олган умумий илмий ва хусусий илмий методларидан фойдаланилади. Бундай тадқиқотларни амалга оширишда бэвосита замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологияларидан ва ахборот технлогияларидан фойдаланилади.

Ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказишда оддий воситалардан тортиб мураккаб техник криминалистик вқоситалар ва ахборот технологияларидан фойдаланилади. Махсус тадқиқотлар ва ахборот технологияларидан кўпроқ кўздан кечириш, тинтув, тафтиш, экспертиза, Телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш каби тергов ҳаракатларида ва тезкор-қидирув тадбирларида ўтказилади.

Ҳозирги вақтда дастлабки терговда жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатларини олиб бориш борасида криминалистика, тиббиёт, психология, кибернетика, математика, кимё, физика, биология, ҳамда бошқа табиий, аниқ ва техник фанларнинг усул ва воситаларидан муваффақиятли фойдаланиб келинмоқда. Суратга олиш, овоз ёзиш, видеосуратларга тушуриш ва улардан фойдаланиш кенг жорий этилмоқда. Буларни фаол қўллаш шаклларида бири бу суд экспертизасининг хархил турлари хисобланади.

Ушбу тергов ҳаракатини ўтказганда кўпинча мутахассискриминалист, суд тиббиёт ходими, авто-техниклар, ёнғиндан сақлаш хизмати (ёнғин хавфсизлиги бўйича) муҳандислари ёрдамидан



фойдаланилади. Бу мутахассислар излар ва бошқа объектларнинг изларини аниқлаш, қайд қилиш, олиб қўйиш ва сақлашда, тергов кўригининг натижалари ва жараёнини тавсиф этишда, баҳо бэришда бошқа қатнашчиларга маслаҳатлар бэрадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятни очиш, тергов қилиш ва олдини олиш учун уларга оид далилларни топиш, қайд этиш, олиш ва тадқиқ қилиш жараёнида техник-криминалистик воситалардан фойдаланиш имкониятлари ва уларнинг амалий аҳамияти жуда ҳам катта. Суриштирувчи ва терговчилар жиноят ходиса ҳақида хабар келиб тушганда воқеа жойини кўздан кечиришда техник криминалистик воситалардан бэвосита фойдаланади.

Ҳозирги вақтда криминалистик техника воситалари билан жиҳозланган кўчма криминалистик автолаборатория ва алоҳида махсус терговчилар универсал тўпламидан фойдаланилмоқда. Бу кўчма криминалистик лабораториялардаги техник-криминалистик воситаларнинг кўчма тўпламлари асосан тергов ҳаракатлари, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда ва тинтувда қўлланилади. Жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи органлар фаолиятида ахборот технологиялар ва ахборот технологиялари дан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Судга қадар иш юритишнинг бутун босқичида жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган ишларнинг юксак даражада бўлишида замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологиялари энг самарали воситадир.

Замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологияларидан қайси хусусиятини муҳофаза қилувчи органлар томонидан фойдаланишидан қатъи назар, ахборот технологиялар ва ахборот технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий тартиби ва процессуал тартиби бўйича ягонадир. Судга қадар иш юритиш босқичида замонавий ахборот технологиялар ва ахборот технологиялари дан фойдаланишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- жиноятларни тез ва тўла очишнинг самарадорлигини ошириш;
- жиноятлар содир этилишининг сабабларини ва уни содир этган шахсларнинг шахсини аниқлаш;
- далилларни расмийлаштириш ва уларни аниқлаш учун текширув тадқиқотларини ўтказиш;





ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

- жиноий ходиса туфайли юз бэрган ҳолатларга ойдинлик киритиш ва тергов ҳаракатлари ўтказишда махсус тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнларни қайд қилиш.

Замонавий техника воситаларини қўллашнинг ахамияти жиноий ишларни тўлиқ, сифатли ва объектив ҳужжатлаштириш, жиноятчиларни аниқлаш, жиноятни исботловчи далиллар ҳақидаги маълумотларни олиш ҳамда тергов ва процессуал ҳаракатларни қайд этиш, ахборот олиш, уни бир тизимга солиш, сақлашни таъминлаш, қўл меҳнатини енгиллаштиришдир.

У инсоннинг асаб тизими ва ҳаётдаги ўзаро муносабати ҳамда руҳиятига таъсир этади. Замонавий техника воситалари ички ишлар органлари ходимларининг ижодий имкониятлари ва хизмат фаолиятини

автоматлаштирувчи воситадир. Замонавий техника воситалари жиноятчиликка қарши курашда самарали қурол бўлиб, ундан кўзланган пировард мақсад жиноятчиликни кескин камайтиришга эришишдир.

Амалиёт тажрибаси шуни кўрсатадики, бирламчи маълумотлар ноаниқ бўлган ҳолларда ҳам техника воситаларини қўллаш яхши самара беради, уларни узлуксиз қўллаш эса янада яхши кўрсаткичларга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда ишни судга қадар юритишда ахборот технологиялар фойдаланиш жараёни жуда қулай бўлиб олиб борилаётган терговга қадар текширув ва жиноят ишларни ўз вақтида тўлиқ тергов қилиш ортиқча вақт ва маблағ сарфлаш олдини олишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Муродов Б., Қулбеков О. Номусга тегиш жиноятларини тергов қилишда исботланиши лозим бўлган ҳолатлар //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-104.

2. Муродов Б.Б. Основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности (опыт Узбекистана) //Вестник экономической безопасности. – 2016. – №. 1. – С. 177-182.

3. Муродов Б.Б. Совершенствование основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности //Обзор законодательства Узбекистана. – 2016. – №. 3. – С. 47-50.



ITALY

SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM

International scientific-online conference



ITALY

4. Муродов Б. Совершенствование основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности //Обзор законодательства Узбекистана. – 2017. – №. 1. – С. 69-72.
5. Муродов Б., Ботаев М. Анализ основ реабилитации невиновных лиц в уголовном процессе //Общество и инновации. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 166-176.
6. Суюнов Ш., Хусинов Ш. Рецидив жиноятчилик тушунчаси ва унинг аҳамияти //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 150-156.
7. Суюнов Ш., Исмайлова Ш. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда юзлаштириш тергов ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. 4. – С. 140-144.
8. Суюнов Ш., Азаматов А. Суриштирув институтининг ривожланиш истиқболлари //Академические исследования в современной науке. – 2023. Т. 2. – №. 13. – С. 9-14.

